



IMV
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRLIGI



ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ

2022 ЙИЛ ИЖРОСИ

**ФУҚАРОЛАР
УЧУН БЮДЖЕТ:
2022 ЙИЛ ИЖРОСИ**

«Фуқаролар учун бюджет: 2022 йил ижроси» ахборот нашри БМТ Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги «Ўзбекистонда барқарор ривожланишни молиялаштириш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш дастури доирасида тайёрланди.

Ушбу нашрда келтирилган фикр ва ҳулосалар муаллифнинг ўз нуқтаи назари бўлиб, БМТ, шунингдек БМТТД ва БМТ га аъзо давлатларнинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт Дастури (БМТТД) қашшоқлик, тенгсизлик ва иқлим ўзгариши сабабли пайдо бўлган адолатсизликка қарши курашда БМТнинг етакчи ташкилотидир.

170 та мамлакатдаги кенг экспертлар ва ҳамкорлар тармоғи билан фаолият олиб бориб, биз одамлар ва сайёра учун мувофиқлаштирилган, узоқ мuddатли ечимларни яратишга ёрдам берамиз.

Биз ҳақимизда кўпроқ маълумотни uz.undp.org сайтдан олинг ёки @UNDPUzbekistan ни ижтимоий тармоқларда кузатиб боринг.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1 БЮДЖЕТ ИЖРОСИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	5
ДАРОМАДЛАР	9
2 ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАР ИЖРОСИ	9
ХАРАЖАТЛАР	19
ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ	31
ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ	36
МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ИЖРОСИ	40
БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ	57
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	58
БОҒЛАНИШ УЧУН МАЪЛУМОТ	60



КИРИШ

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2022 йил учун Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган навбатдаги “Фуқаролар учун бюджет” нашрини тақдим этмоқда.

Нашрда 2022 йил учун Давлат бюджети ижросининг макроиқтисодий шарт-шароитлари, даромадлар прогноз кўрсаткичларининг ижро этилиши бўйича натижалар ва бюджет харажатларининг амалдаги ҳажмлари, шунингдек маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги маълумотлар, харажатларни режалаштириш ва ижро этилиши, бюджет тақчиллиги бўйича янги ёндашувлар тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

2022 йилда Давлат бюджетининг ижроси глобал нотинчлик ва дунёда сақланиб қолаётган юқори ноаниқлик шароитида амалга оширилди. Бундай шароитларда миллий иқтисодиётнинг ўсиши 5,7 фоизни ташкил этди.

Нашрнинг асосий бўлимида Давлат бюджетининг асосий параметрлари ижроси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. 2022 йилда Давлат бюджетига солиқ ва бошқа даромадлардан тушумлар прогноз кўрсаткичларидан ошириб бажарилди ва 2021 йилга нисбатан ўсди. Даромадларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар солиқлар кесимида ва даромадларнинг ўсиши ёки камайишига таъсир кўрсатган омилларни ҳисобга олган ҳолда тақдим этилган.

Давлат бюджети харажатлари ҳам 2022 йил учун тасдиқланган кўрсаткичлардан юқори бўлди. Қўшимча ажратилган харажатларнинг асосий қисмини аҳоли ва иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш харажатлари ташкил этди.

Шунингдек, ушбу бўлимда 2022 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча туманларига кириб борган ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти ҳақида ҳам маълумот берилган. Ахборот нашридан фойдаланувчилар қайси соҳаларда энг кўп ташаббус ва лойиҳалар илгари сурилгани, уларнинг қайсилари аҳоли ўртасида энг кўп қўллаб-қувватлангани ва ушбу ташаббуслар ҳукумат томонидан қай даражада қўллаб-қувватлангани ҳақида маълумот олишлари мумкин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги анъанани давом эттирган ҳолда ушбу нашрдан фойдаланувчиларни бюджет жараёнига жорий этилаётган янги ёндашув ва воситалар билан таништираётган. Ушбу нашр иқлим ўзгаришига таъсир қилувчи харажатларни (иқлим харажатларини) аниқлаш ва ўлчаш учун янги методологияни синовдан ўтказиш натижаларини тақдим этади.

2022 йилда Давлат бюджети харажатлари умумий ҳажмининг 13 фоизи ёки 30 016,3 млрд сўм қисми иқлим ўзгариши билан боғлиқ деб баҳоланди, қолганлари нейтрал деб таснифланди, яъни иқлимга таъсир кўрсатмайди ёки иқлим харажатлари таркибига киритилиши бўйича мунозаралар сабаб баҳоланмайди.

Нашр бюджет тақчиллиги ва уни қоплаш манбалари тўғрисидаги маълумотлар билан яқунланади.


Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу нашр кенг фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши ва Давлат бюджетини шакллантириш, муҳокама қилиш ва ижро этиш жараёнларига фуқароларнинг қизиқиши ошишига хизмат қилишига умид қилади.

1 БЮДЖЕТ ИЖРОСИННИГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2022 йил учун қабул қилинган Консолидациялашган бюджет мўлжаллари ЯИМнинг прогноз қилинаётган **6%** миқдоридagi ўсиш суръати асосида шакллантирилди. Бироқ, дунёда содир бўлаётган инқироз ҳамда зиддиятлар таъсирида ушбу прогноз қайта кўриб чиқилди ҳамда **5%** ни ташкил этди.


ЯИМнинг ўсиш суръати 5,7%ни ташкил қилди ҳамда ЯИМ ҳажми жорий нархларда **888,3 трлн сўмни** ёки **80,4 млрд АҚШ долларини** (2022 йилда АҚШ долларига нисбатан расмий алмашув курси ўртача 11 051,2 сўм) ташкил қилди.

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ЯИМ ҲАЖМИ ВА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ



2022 йилда иқтисодий фаолликнинг энг юқори суръатларига хизмат кўрсатиш соҳасида эришилиб, ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этди (6 фоиз прогнозга нисбатан). Ижобий динамикага асосан, савдо хизматлари, турар жой ва умумий овқатланиш, ташиш ва сақлаш, шунингдек, ахборот-коммуникация кўрсаткичларининг ўсиши ҳисобига эришилди.


ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ЯИМ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ, %



2022 йил учун саноат ўсиш суръати 5,0% ҳисобида прогноз қилинган бўлиб, йил якунига келиб, 5,2%ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши ҳисобига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида ўсиш суръати 3,6%ни (3,3% прогнозда) ташкил этди. 2022 йилда қурилиш ишлари ҳажми йил бошига 6,2% прогноз билан 6,6 фоизга ошди.


ЯИМнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар асосан хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ортиши билан боғлиқ бўлиб, бу соҳадаги ўсиш суръатларининг юқорилиги билан изоҳланади.

ЯИМ ТАРМОҚ ТАРКИБИ, %




2022 йил якунларига кўра барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 270,0 трлн сўм ёки 24,4 млрд АҚШ доллари ўзлаштирилди (асосий капиталга киритилган инвестициялар ўзлаштирилишининг ўсиш суръати 2021 йилга нисбатан 100,9%ни ташкил этди).

2020-2022 ЙИЛЛАРДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАЛАРИ БЎЙИЧА КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲАЖМИ, ТРЛН СЎМ



2022 йил январь-декабрь ойлари учун истеъмол нархлари индекси 12,3%ни ташкил этди. Кўриб чиқилаётган даврда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ўртача 15,6%га, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 10,7%га, хизматлар – 8,3%га кўтарилди.

2020-2022 ЙИЛЛАРДА ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ГУРУҲЛАРИ БЎЙИЧА ИСТЕЪМОЛ НАРХЛАРИ ИНДЕКСИ ДИНАМИКАСИ, %




2022 йилда ташқи иқтисодий фаолиятни тикланиши глобал ишлаб чиқариш-таъминот занжирлари тикланиши ва жаҳон савдоси ўсиши билан амалга оширилди. 2022 йил якунларига кўра ташқи савдо айланмаси 50 008,4 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 18,6 фоизга ўсган.

2020-2022 ЙИЛЛАРДА ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ, МЛН АҚШ ДОЛЛАРИ




Экспорт таркибида саноат маҳсулотлари, олтин, хизматлар, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар асосий ўринни эгаллади. Импорт таркибида эса машиналар ва транспорт ускуналари, саноат маҳсулотлари, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш аҳсулотлар асосий ўринга эга бўлди.

ЭКСПОРТ ТАРКИБИ, %




ИМПОРТ ТАРКИБИ, %



- Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар
- Саноат товарлари
- Ичимликлар ва тамаки
- Машиналар ва транспорт асбоб-ускуналар
- Ноозиқ-овқат хомашё, ёқилғидан ташқари
- Турли хил тайёр буюмлар
- Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар
- Бошқа товарлар
- Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумла
- Олтин
- Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар
- Хизматлар

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2022 йил якунига келиб, Консолидациялашган бюджетнинг умумий фискал баланси тақчиллиги ЯИМнинг 4,0 %ини ташкил этди.

2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТНИНГ ЙИҒМА МЎЛЖАЛЛАРИ, МЛРД СЎМ




2022 йилда Давлат бюджетининг ижроси 2021 йилга нисбатан Бюджет тушумларининг кўпайиши ва харажатларнинг ортиши билан тавсифланади.

Бюджетга тушумларнинг ортиши карантин чекловларининг юмшатилиши билан, иқтисодий ўсиш суръатларининг тикланиши, шунингдек қимматбаҳо металлларга жаҳон нархларининг юқори даражада сақланиб қолиниши билан боғлиқ бўлди.

Бюджет харажатларининг ўсиши аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қўшимча харажатларнинг ажратилиши, марказлаштирилган инвестициялар ҳажмининг кўпайиши, шунингдек иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ.

2021-2022 ЙИЛЛАР УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ МЎЛЖАЛЛАРИ, МЛРД СЎМ



2

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАР ИЖРОСИ

Даромадлар

Давлат бюджети даромадлари 2022 йил якуни билан 201 863,7 млрд сўмни ташкил қилиб, прогнозга нисбатан **1 525,0 млрд сўмга** ортиқча бажарилди. 2021 йилга нисбатан даромадлар **37 064,2 млрд сўмга** ошган

ДАРОМАДЛАР МАЪМУРЧИЛИГИ

<p>ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАЪМУРЧИЛИГИДАГИ</p> <p>148 501,2 млрд сўм</p> <p>прогнозга нисбатан 104,1 %</p>	<p>ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ МАЪМУРЧИЛИГИДАГИ</p> <p>46 024,6 млрд сўм</p> <p>прогнозга нисбатан 111,9 %</p>
<p>БОШҚА ДАРОМАДЛАР – 7 337,9 млрд сўм</p>	

Бошқа даромадлар таркибига қўшилган қиймат солиғи бўйича қайтариш (қоплаб бериш), фуқароларга харид суммасидан 1% (“кэш-бэк”) қайтариш, шунингдек дивидендлар ва солиқсиз тушумлар кироди.


ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛ ПРОГНОЗИ ВА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

Даромадлар	2021 йил	2022 йил
ЖАМИ	164 799,4	201 863,7
Бевосита солиқлар	58 930,3	64 447,1
Фойда солиғи	38 363,3	37 649,9
Айланмадан олинадиган солиқ	1 649,4	2 512,7
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	18 917,7	24 284,5
Билвосита солиқлар	56 290,4	71 390,2
Қўшилган қиймат солиғи	38 439,0	52 189,4
Акциз солиғи	13 086,5	13 455,0
Божхона божи	4 764,9	5 745,7
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	23 036,4	23 912,8
Мол-мулк солиғи	2 457,3	4 015,4
Ер солиғи	4 082,8	5 305,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 811,9	13 887,4
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	684,4	704,1
Бошқа даромадлар	26 542,2	42 113,7

2022 йилда билвосита солиқ тушумлари прогноз кўрсаткичларидан паст бўлишига асосан қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди. Қўшилган қиймат солиғини қоплаб бериш ҳақиқатда 19,3 трлн сўмни ташкил этиб, прогнозга (12,5 трлн сўм) нисбатан деярли 1,6 баравар кўп қайтарилди.


Мобил алоқа хизматлари ва полиэтилен учун акциз солиғи ставкасини пасайиши, шунингдек алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳажмининг пасайиши акциз солиғи тушумлари прогнозининг бажарилишига таъсир кўрсатди.

2022 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР БЎЙИЧА ЧОРАКЛИК ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



Давлат бюджети даромадлари таркибида бевосита солиқларнинг улуши (31,9 %) бироз камайди, билвосита солиқлар бюджет даромадларининг 35,4 фоизини ташкил этди. Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи 11,8 фоизни, бошқа даромадлар эса жами даромаднинг – 20,9 фоизини ташкил этди.

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



2022 ЙИЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИНИНГ МАНБАЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ

Бевосита солиқлар бўйича тушумлар 2021 йил билан солиштирганда 5 516,7 млрд сўмга ёки 9,4 фоизга ошиб, **64 447,1 млрд сўмни** ташкил этди

Солиқ турлари кесимида тушумлар.

Фойда солиғи – **37 649,9 млрд сўмни** ташкил қилди, шундан жами тушумнинг 17 393,7 млрд сўм ёки 46 фоизи олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналарга тўғри келди.

2022 йилда солиқ тўловчилар тури бўйича фойда солиғи тушумлари:

олтин ва мис қазиб чиқарувчи корхоналардан ташқари солиқ тўловчилар (НКМК ва ОКМК)	20 256,1 млрд сўм, ўсиш суръати – 7 609,4 млрд сўм ёки 60%
шу жумладан:	
йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси солиқ тўловчилари (НКМК ва ОКМК дан ташқари)	13 893,7 млрд сўм, ўсиш суръати – 5 431 млрд сўм ёки 64%
Ҳудудий солиқ тўловчилар	6 362 млрд сўм, ўсиш суръати – 2 179 млрд сўм ёки 52

Фойда солиғи тушумлари 713 млрд сўмга, ёки 2021 йилга нисбатан 1,9 фоизга камайган.

ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА ТУШУМЛАРНИ КАМАЙИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?	■ Амортизация ажратмалари нормалари ўртача 2 баробарга оширилди	Натижада, 1,3 трлн сўм маблағлар хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилди.
	■ Бир марталик инвестициявий чегирма миқдори 2 баробарга оширилди	Натижада, 190 млрд сўм маблағлар хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилди
	■ тадбиркорлик субъектларига онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни фойда солиғини ҳисобига камайтириш имконияти яратилди	
	■ Махсус иқтисодий зоналарнинг иштирокчиларига фойда солиғини тўлашдан ўзи киритган инвестициялар ҳажмига қараб озод этилиши жорий қилинди	Натижада, 152 млрд сўм маблағлар хўжалик субъектлари ихтиёрида қолдирилди

2022 йилда юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилганлиги ҳисобига бюджетга йўқотишлари қисман қопланди:

Фойда солиғи тўловчилар сонинг ортиши	165,2 минг гача + 24,6 минг ёки 17,5%га
Фойда солиғини бўнак сифатида тўловчилар сонинг ортиши	19,8 минг гача + 5 461 ёки 38,1%га
Тижорат банклари томонидан яратилган ва фойда солиғи базасидан чегириладиган заҳира миқдорининг камайрилиши	80% гача (2021 йилда 100%)

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 24 284,5 млрд сўм, шу жумладан иш берувчилар томонидан ушлаб қолинадиган – 22 482,7 млрд сўм. Ушбу солиқ тушумларининг 2021 йилга нисбатан ўсиши 5 366,9 млрд сўм ёки 28,4% ни ташкил этди.

2022 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан ташқари тушумлар:

Дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлар учун солиқ	758,6 млрд сўм (+206,3 млрд сўм)
Мол-мулк ижарасидан олинадиган солиқ	361,6 млрд сўм (+100,2 млрд сўм)
Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад учун солиқ	393,3 млрд сўм (-3,4 млрд сўм)

**ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАРДАН
ОЛИНАДИГАН
ДАРОМАД СОЛИҒИ
ТУШУМЛАРИНИНГ
ЎСИШИГА ҚАНДАЙ
ОМИЛЛАР ТАЪСИР
КЎРСАТДИ?**

- Бюджет секторидаги энг кам иш ҳақи миқдорининг 2021 йилга нисбатан ўртача 14,7% га ўсиши
- Ишчи ходимлар сонининг легализация ҳисобига солиқ тўловчилар сонининг 5 018 минг тага ошиши (2021 йилга нисбатан 215 минг ёки 8% га кўп)
- Меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси миқдорининг 156,9 трлн сўм гача ошиши (2021 йилга нисбатан 30,7 трлн сўм ёки 25% га кўп)

**+5 366,9
млрд сўм,
28,4 %**

Айланмадан олинадиган солиқ – 2 512,7 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан тушумлар 863,3 млрд сўмга (52,3%) ортган.


Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар сони 2021 йилга нисбатан 24,1 минг ёки 7,3%га ортиб, 330,7 мингтани ташкил этди.


Билвосита солиқлар бўйича тушумлар 2021 йил билан солиштирганда 15 099,7 млрд сўмга ёки 26,8 фоизга ошиб, **71 390,2 млрд сўмни** ташкил этди.

Солиқ турлари кесимида тушумлар.

Қўшилган қиймат солиғи – 52 189,4 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 13 750,4 млрд сўм ёки 35,8% га ошган. Божхона органлари томонидан ундириладиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) 41,8% га, солиқ органлари томонидан ундириладигани – 28,3% га ошди.

ҚҚС БЎЙИЧА ТУШУМЛАР, МЛРД СЎМ





ҚҚС бўйича ортиқча тўланган суммасининг қайтариб олиниш (қоплаб бериш) тартиби такомиллаштирилиши эвазига, 2022 йилда 19,3 трлн сўм миқдордаги маблағ ҚҚС манфий суммасининг қоплаб берилиши учун қайтарилди (ҚҚС тушумининг 27%и). Таққослаш учун, 2021 йилда солиқ тўловчиларга 14,4 трлн сўм қайтариб берилган бўлса, 2020 йилда 9 трлн сўмни ташкил этган.

ҚҚС солиғи маъмурчилигининг такомиллаштирилиши унинг самарадорлигини (йиғувчанлигини) 2021 йилда 48,0 %дан 2022 йилда 53,7 %га ошишига олиб келди. (ҚҚС Самарадорлиги = ҚҚС тушумларининг ЯИМдаги улуши / ҚҚС ставкаси).


Акциз солиғи – 13 455,0 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 368,5 млрд сўм ёки 2,8%га ошди.

Акциз солиғи тушумлари

солиқ органлари томонидан –
13 077,2 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан
298 млрд сўмга кўп

божхона органлари томонидан –
377,8 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан
70,1 млрд сўмга кўп

2021-2022 ЙИЛЛАРДА СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЙИҒИЛГАН АКЦИЗ СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ АКЦИЗОСТИ МАҲСУЛОТЛАРИ КЕСИМИДАГИ СУММАСИ



АКЦИЗ СОЛИҒИ БЎЙИЧА БЮДЖЕТГА ТУШУМЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТДИ:

- 2022 йил 1 июндан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари учун белгиланган абсолют суммадаги ставкаларнинг ўртача 10%га оширилиши;
- Суюлтирилган газ ишлаб чиқарувчилар учун акциз солиғининг бекор қилиниши. ➤ Тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 51,6 млрд сўм қолдирилди;
- Мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи ставкасининг 15% дан 10%гача пасайтирилиши ➤ Солиқ тўловчилар ихтиёрида 400 млрд сўм маблағ қолдирилди;
- Полиэтилен гранулалари бўйича (шу жумладан импорти учун) акциз солиғининг 20%дан 10%га пасайтирилиши. ➤ Солиқ тўловчилар ихтиёрида 215,4 млрд сўм маблағ қолдирилди.

Божхона божлари бўйича тушумлар – 5 745,7 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 980,8 млрд сўмга ошган.

БОЖХОНА БОЖЛАРИ ТУШУМЛАРИ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?

- 2022 йилда импорт ҳажмининг 2021 йилга нисбатан ортиши.
- Импорт товарларини рўйхатдан ўтказиш вақтининг қисқариши. 2021 йилда божхона юк декларацияларини расмийлаштиришнинг ўртача вақти 3 соат 7 дақиқани ташкил этган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 33 дақиқага қисқариб, 2 соат 34 дақиқани ташкил этди.
- Божхона маъмурчилининг такомиллаштирилиши.

+980,8
млрд сўм,
20,6 %


Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи – 23 912,8 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 876,4 млрд сўмга ортди.

Ресурс солиқлари тушумларининг асосий улушини (13 887 млрд сўм, ёки 58,1 %) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ташкил этиб, асосий қисми (63,7 %) олтин қазиб олувчи корхоналар ҳисобига тўғри келади.

РЕСУРС СОЛИҒИ ВА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ


Солиқ турлари	2021	2022
Ресурс солиқлари – жами:	23 036,4	23 912,8
Мол-мулк солиғи – жами	2 457,3	4 015,4
<i>шундан :</i>		
<i>юримдик шахслар</i>	1 576,1	3 040,5
<i>жисмоний шахслар</i>	881,2	974,9
Ер солиғи – жами	4 082,8	5 305,9
<i>шундан :</i>		
<i>юримдик шахслар</i>	2 662,5	3 422,0
<i>жисмоний шахслар</i>	1 420,3	1 883,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 811,9	13 887,4
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	684,4	704,1

Ресурс солиқлари умумий тушумлари таркибида мол-мулк солиғи (6,1%га) ва ер солиғи (4,5%га) улуши ошган бўлса, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ улуши 10,5%га камайди.



Солиқ турлари кесимида тушумлар.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари – 13 887,4 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 1 924,6 млрд сўм, ёки 12,2% га кам.



Мол-мулк солиғи – 4 015,4 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 1 558,1 млрд сўм, ёки 63,4%га ошган.

Мол-мулк солиғи бўйича тушумлар:

юридик шахслардан – 3 040,5 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 1 464,4 млрд сўм (ёки 2 баробарга) ошган	жисмоний шахслардан – 975 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 94 млрд сўм ёки 10,6% фоизга ошган
--	---

Юридик шахслар мол-мулк солиғи тушумларининг ўсишига таъсир кўрсатган омиллардан бири (солиқ ставкаси 2% дан 1,5% гача пасайганига қарамай) 2022 йил 1 январдан бошлаб бинолар ва иншоотлар учун солиқ солинадиган база уларнинг минтақавий жойлашувига қараб 1м2 учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслигини назарда тутувчи нормани жорий этилишидир. Минимал қиймат бозор қийматига яқин бўлган кадастр қийматидан келиб чиққан ҳолда мол-мулк солиғини ҳисоблашда босқичма-босқич ўтиш учун киритилган. Шу билан бирга, солиқ юкининг кескин ўсишини олдини олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб белгиланган минимал қийматга нисбатан 0,5 гача пасайтирилган коэффициент белгилаш ҳуқуқи берилди.

Ер солиғи – 5 305,9 млрд сўм, 2021 йилга нисбатан 1 223,1 млрд сўм, ёки 30,0%га ошган. 2022 йилда юридик шахслар ер солиғи 3 422 млрд сўмни ташкил этиб, 2021 йилган нисбатан 760 млрд сўм ёки 28,5%га ошган.

ЮРИДИК ШАХСЛАР ЕР СОЛИҒИ ТУШУМЛАРИНИНГ ЎСИШИГА ҚАНДАЙ ОМИЛЛАР ТАЪСИР КЎРСАТДИ?

- Айрим турдаги объектлар (темир йўллари, магистраль қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, Вазирлар Маҳкамасининг уларни консервация қилиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кўчмас мулк объектлари ва бошқа объектлар) эгаллаб турган ер участкалари бўйича ер солиғи ставкаларига нисбатан қўлланиладиган пасайиш коэффициентини 0,3 дан 0,4 гача оширилиши.
- 2021 йилда амалда бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар бўйича базавий солиқ ставкаларининг 7% га индексация қилиниши.


+760
млрд сўм
или 28,5 %

Ер солиғи бўйича солиқ ставкаларининг аниқ миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан базавий солиқ ставкалари асосида туманларнинг иқтисодий ривожланиши ва нуфузига қараб кўпайтирувчи ва пасайтирувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда белгиланади (бу ҳуқуқ 2021 йилдан бошлаб маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА ВИЛОЯТЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛДА ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ




ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛДА МАҲАЛЛА, МАССИВ, КЎЧА КЕСИМИДА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ




2022 йилда жисмоний шахслар ер солиғи тушумлари 1 883,9 млрд сўмни ташкил этиб., 2021 йилга нисбатан 464 млрд сўмга ёки 32,6% ошди.

2022 йилда тушумларнинг ўсиши ер солиғи базавий ставкаларининг 7 фоизга индексация қилиниши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний шахсларга тегишли ер участкаларига нисбатан пасайтирувчи ва оширилувчи коэффициентларни қўллаш ҳисобига таъминланди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ ВА ВИЛОЯТЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛДА ТУМАНЛАР ВА ШАҲАРЛАР БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ



ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ТОМОНИДАН 2022 ЙИЛДА МАҲАЛЛА, МАССИВ, КЎЧА КЕСИМИДА БЕЛГИЛАНГАН КОЭФФИЦИЕНТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ




Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – 704,1 млрд сўм. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 10 фоизга, иқтисодиётнинг айрим тармоқлари бўйича эса 30 фоизга индексация қилинганга қарамай, ушбу солиқ тушумлари 2021 йилга нисбатан атиги 19,7 млрд сўмга, ёки 2,9% га.

Қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ этиштириш учун фойдаланиладиган сув ҳажмига нисбатан белгиланган солиқ ставкалари 2021 йил даражасида сақланиб қолди.

Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар – 42 113,7 млрд сўм (+58,7%).



ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ СОЛИҚ ТУШУМЛАРИДАГИ УЛУШИ, 2022 ЙИЛГИ ИЖРОСИ (БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИСИЗ), %



Харажатлар

Давлат бюджетининг 2022 йил харажатлари 2021 йилга нисбатан **48 434,9 млрд сумга** ошган ҳолда **236 692,0 млрд сўмга** ижро этилди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ.

Харажатлар	2021 йил	2022 йил
Харажатлар – жами	188 257,1	236 692,0
Ижтимоий харажатлар	92 013,6	117 691,9
Иқтисодиёт харажатлари	21 169,7	34 090,9
Марказлашган инвестиция харажатларини молиялаштириш (“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари билан бирга)	29 900,1	27 807,0
Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари	8 479,2	11 468,6
Суд органларини сақлаш харажатлари	849,8	1 117,6
Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ҳамда Давлат томонидан ННТ ларни қўллаб-қувватлаш харажатлари	1 132,7	1 068,9
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари	1 401,8	1 811,0
Давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари (фоиз харажатлари)	2 238,2	3 528,5
Бошқа харажатлар	31 072,1	38 107,6

2022 йилда Давлат бюджетининг харажатларининг 49,7 % ини ижтимоий соҳа харажатлари ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **25 678,3 млрд. сумга** ошган ҳолда **117 691,9 млрд сўмга** ижро этилди. Ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми таълим соҳасига йўналтирилди.

2022 ЙИЛ ИЖТИМОЙ СОҲА ХАРАЖАТЛАРИ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар;
1 010,8

Пенсия жамғармасига трансфертлар

11 092,0

Бошқа харажатлар

2 189,1

Аҳоли бандлиги даражасини ошириш

706,6

Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари

19 397,1

Фан


1 447,1


Маданият ва спорт

4 289,6

Таълим
50 271,3

Соғлиқни сақлаш
27 288,3





Таълим

Таълимга амалга оширилган харажатларнинг 66 % и умумий таълимга, 20 % и мактабгача таълимга ва 14 % и кадрлар тайёрлашга йўналтирилди.

2022 ЙИЛ ТАЪЛИМ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАР КЕСИМИДА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ

Мақсад	2022 йил
Мақтабгача таълим	10 151,9
Умумий таълим	33 138,1
Кадрлар тайёрлаш	6 981,3




Мақтабгача таълим муассасалари (МТМ)


Мақтабгача таълим йўналишига амалга оширилган харажатлар 2021 йилга нисбатан **2 166,9 млрд сумга** ошган ҳолда **10 151,9 млрд сумга** ижро этилди. Харажатларнинг ошишига иш ҳақи миқдорларининг оширилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлари ижроси сабаб бўлди.

2022 йилда мактабгача таълим муассасалари реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларнинг қисқартирилиши ҳисобига янги муассасалар қуриш ва капитал таъмирлаш харажатларига кўпроқ маблағ йўналтирилди.

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМ ЛАРГА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СУМ



2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МТМЛАРНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ




Болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни кенгайтириш мақсадида давлат томонидан ушбу соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига ажратилган субсидиялар:

иш ҳақи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа харажатларни қоплаш учун	бир тарбияланувчига тўғри келадиган харажатларнинг 50%ини қоплаш учун	электроэнергия харажатларнинг 50%ини қоплаш учун
2 149,4 млрд сўм.	221,7 млрд сўм.	0,3 млрд сўм.

Нодавлат МТМлар сони	Мактабгача таълимнинг умумий қамрови
22 822	71%





ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ҚАМРОВИ, %



Мактаб таълими

2022 йилда давлат бюджетининг умумий ўрта таълимга харажатлари 2021 йилга нисбатан 21,6% га ошди ҳамда **33 138,1 млрд сўмга** ижро этилди. Харажатлар асосан иш ҳақининг ошиши ҳамда таълим муассасаларида ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш учун қўшимча маблағлар ажратиш ҳисобига тасдиқланган параметрларга нисбатан ошган.

УМУМТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар		2021	2022
	Умумтаълим муассасалари сони <i>шундан</i> :	10 207	10 398
	Умумтаълим мактаблари:	9 862	9 908
	<i>шу жумладан</i> :		
	Ихтисослашган мактаблар	45	193
	Мактаб-интернатлар	231	226
	Жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бор болалар учун мактаблар	69	71
	Ўқувчилар, минг нафар	6 273	6 360
	Ўқитувчилар, минг нафар	533	531
	Умумтаълим муассасаларига Давлат бюджети харажатлари ва умумий таълим билан боғлиқ бошқа харажатлар, млрд сўм	27 247,7	33 138,1



Мактабдан ташқари таълим

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР





	 Болалар musiқа ва санъат мактаблари	 Таълим олувчи болалар сони	 Давлат бюджетидан болалар musiқа ва санъат мактабларини сақлаш харажатлари, млрд сўм
2021	322	91 784	561,8
2022	323	91 922	641,9



Кадрлар тайёрлаш

2022 йилда профессионал таълим муассасалари ва академик лицейларни сақлаш харажатлари **2 131,9 млрд сўмни** ташкил этди.

ЎРТА МАХСУС ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Кўрсаткичлар		2021	2022
	Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар сони	813	784
	Таълим олувчилар, минг нафар	412,8	454,4
	Ўқитувчилар, минг нафар	27,0	33,6
	Давлат бюджетидан Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейларни сақлаш харажатлари, млрд сўм	1 671,7	2 131,9

2022 ЙИЛДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ



 профессионал таълим муассасаларига	 академик лицейларга	 бошқа ўқув муассасаларига
1 797,9 млрд сум	302,0 млрд сум	31,9 млрд сум



Олий таълим

2022 йилда олий таълим муассасаларини сақлаш харажатлари **4 849,4 млрд сумни** ташкил этди. 2022 йилда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги таълим кредитини молиялаштириш жамғармасидан 174 677 та талабаларга **1 713,7 млрд сўм** ажратилган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	 олий таълим муассасалари сони	 Талабалар сони
2021	127	851 минг
2022		1 014 минг

ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ





Соғлиқни сақлаш

2022 йилда соғлиқни сақлаш харажатлари **27 288,3 млрд сўмни** ташкил этди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, 2022 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ


Харажатлар	2021 йил	2022 йил
Жами	23 316,8	27 288,3
<i>шундан:</i>		
Протезлаш	13,8	23,7
Кўп тармоқли поликлиникалар, марказлар	2 064,3	2 834,2
Поликлиникалар	2 123,8	2 860,8
Қишлоқ врачлик пунктлари	659,8	904,2
Стоматологик поликлиникалар	67,8	85,3
Койкасиз ихтисослаштирилган поликлиникалар, марказлар ва диспансерлар	116,6	147,3
Кечиктириб бўлмайдиган тез тиббий ёрдам марказлари	1 657,0	2 125,6
Қон қуйиш марказлари	64,5	74,6
Клиникалар, шифохоналар, тиббиёт бирлашмалари ва койкали марказлар	4 531,0	5 276,9
Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази ва ҳудудий филиаллари	1 846,6	2 344,5
Ихтисослаштирилган марказлар, касалхоналар ва койкали диспансерлар	1 904,3	2 412,2
Туғруқхоналар ва акушерлик комплекслари	640,5	788,9
Болалар уйи	39,0	38,7
Туберкулез билан касалланган болалар учун санаториялар	162,9	205,8
Болалар ва ўсмирлар санаториялари (туберкулез билан касалланмаган)	16,4	21,3
Санитар-эпидемиологик станциялар	797,5	928,6
Карантин ва ўта хавfli инфекцияларнинг олдини олиш маркази ва ҳудудий бўлимлари	34,0	42,3
Эпидемияга қарши курашиш тадбирлари	2 878,6	1 610,3
Санитария ва тиббий статистика муассасалари	20,4	25,8
ОИТСга қарши курашиш марказлари харажатлари	128,1	161,3
Суд-тиббий экспертиза муассасаси харажатлари	127,7	164,2
Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари	38,8	63,3
Кексалар ва ногиронлар учун санаторийлар ва интернат уйлари	312,6	649,6
Уйда ижтимоий ёрдам бўлимлари	133,3	100,7
Ногиронлар реабилитация марказлари	56,8	74,3
Соғлиқни сақлаш бўйича бошқа тадбирлар ва харажатлар	2 583,8	3 323,9

Амалга оширилган харажатларнинг тасдиқланган параметрлардан ошишига бошқа ижтимоий соҳа тармоқлари каби иш ҳақининг оширилиши асосий сабаблардан бири бўлган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 17 майдаги “Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-136-сон Фармонида асосан 2022 йилнинг 1 июнидан тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошлари оширилиб, бу мақсадларга давлат бюджетидан қўшимча **2,2 трлн сўм** йўналтирилди. Тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларга қўшимча маблағлар ажратилиши яна бир омил бўлиб хизмат қилди.



Фан, маданият ва спорт

2021-2022 йилларда давлат бюджетидан фан, маданият ва спортга харажатлар, млрд сўм



2022 йилда Давлат бюджетидан **фанга** харажатлар 2021 йилга нисбатан 34,0 % га ошиб, **1 447,1 млрд сўмни ташкил этди.**

	2021	2022
Илмий тадқиқот муассасаларини сақлаш харажатлари, млрд сўм.	480,6	628,3
Бошқа харажатлар, хусусан, Давлат илмий-техника дастурларини	600,5	818,8


2022 йилда маданиятга давлат харажатлари **2 259,3 млрд сўмни** ташкил этди.

2022 йил маданиятга харажатлар ижроси, млрд сўм

Харажатлар	2021 йил	2022 йил
Жами	2 064,7	2 259,3
<i>шу жумладан:</i>		
Кутубхоналар	162,6	199,0
Музейлар, кўргазмалар ва кўргазма заллари	70,8	101,1
Саройлар ва маданият уйлари, клублар ва клуб шаклидаги муассасалар	275,0	241,0
«Ўзбекистон» Халқаро форумлар саройини сақлаш харажатлари	6,4	7,4
Театрлар, филармониялар, мусиқий бирлашмалар ва ансамблларни молиялаштириш	299,6	342,0
Реставрация ишларини назарда тутувчи тадбирларни молиялаштириш	85,7	118,4
Киномаҳсулотларини яратиш хизматлари	80,6	88,8
Телевидение ва радио эшиттиришлар	398,4	435,2
Даврий ахборот нашрларини чоп этиш	57,5	62,5
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ	27,0	41,5
Республика маънавият марказини сақлаш харажатлари	107,0	95,4
Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари	51,9	67,7
Бошқа маданий-маърифий муассасалар ва тадбирлар	442,2	459,3

2021 йилда спортга **2 030,3 млрд сўм** ёки ўтган йилга нисбатан 31,0% кўпроқ маблағ йўналтирилди. Харажатлар асосан Олимпия, Паралимпия ва бошқа спорт тадбирларига тайёрганлик ҳамда спорт мактабларини сақлаш учун қўшимча маблағ ажратиш ҳисобига ошди.


2021-2022 ЙИЛЛАРДА СПОРТГА ХАРАЖАТЛАР ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



Ижтимоий ҳимоя


2022 йилда **ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ** учун амалга оширилган харажатлар 2021 йилга нисбатан 78,3 фоизга ёки 8 516,8 млрд сўмга ошган ҳолда **19 397,1 млрд сўмни** ташкил этди. Ижтимоий харажатларнинг ошиши ижтимоий нафақа тўланган оилалар сонининг ошиши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши билан боғлиқ.¹

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ТЎЛАНГАН НАФАҚАЛАР ВА НАФАҚА ОЛУВЧИ ОИЛАЛАР Сони, МЛН. СЎМ



¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.05.2022 й. «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-258-сон Қарори

2022 ЙИЛДА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ЖАМИ ОИЛАЛАР ВА НАФАҚА ОЛГАН ОИЛАЛАР Сони




Иқтисодийётга харажатлар

Сув ҳўжалиги бўйича эксплуатация харажатлари, геология-қидирув ишлари, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, автомобиль йўлларини сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги ва бошқа харажатларни ўз ичига олган **иқтисодийётга харажатлар** 2021 йилда нисбатан 61 % га ёки 12 921,2 млрд сўмга ошиб, **34 090,9 млрд сўмни**

ташқил этди.

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИҚТИСОДИЙЁТГА ХАРАЖАТЛАРИ, МЛРД СўМ



Иқтисодийётга амалга оширилган харажатларнинг ошиши қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига 4 550,0 млрд сўм миқдорида беғараз молиявий ёрдам кўрсатилиши ҳамда «UzGasTrade» АЖ томонидан табиий газни сотиб олиш ва сотиш ўртасида юзага келган зарарни қоплаш учун **6 695,3 млрд сўм** миқдорида харажатларни амалга оширилиши билан боғлиқ.



Марказлашган инвестициялар

Марказлашган инвестиция харажатлари **27 807,0 млрд сўм**ни ташкил этди.

МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР, 2021 ЙИЛ ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ



2022 ЙИЛ ИНВЕСТИЦИЯ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИДАН:

ижтимоий соҳада :

қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари якунланганидан сўнг:

- 516 та мактаб
- 254 МТМ
- 102 та тиббиёт муассасалари
- 17 та олий таълим муассасаси
- 10 та маданият ва санъат муассасаси
- 2 фан ва инновация муассасалари

тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сувоқова тизимини яхшилаш соҳасида:

172 та объектда:

- 1,8 минг км дан ортиқ ичимлик суви қувурлари;
- 50 км дан ортиқ оқова сув қувурларини тортиш ишлари амалга оширилди

270 та объектда қурилиш-реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди (92 та объект фойдаланишга топширилган)

208 та маҳаллада яшовчи 1,6 миллион нафардан ортиқ аҳоли илк бор ичимлик суви билан таъминланди

Республика аҳолисининг таъминланганлик даражаси:


- ичимлик суви билан 70 % дан 74 % гача
- оқова сув хизмати билан 18 % дан 18,9 % гача оширилди.



Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатлари

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларига **12 586,3 млрд сўмга** ижро этилди.

2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ, БОШҚАРУВИ, АДЛИЯ, ПРОКУРАТУРА ВА СУДЛАРНИ САҚЛАШГА ХАРАЖАТЛАР, МЛРД СЎМ



Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва судларни сақлаш харажатларининг ортиши иш ҳақининг ошиши, шунингдек алоҳида вазирлик ва идоралар ходимларига қўшимча тўловлар манбаларининг ўзгариши билан боғлиқ

**2021-2022 ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ ТАСНИФ БЎЙИЧА ИЖРОСИ, МЛРД СЎМ**

№	Харажатлар	2021 (факт)	2022 (факт)
	Жами	188 257,1	236 692,0
	<i>шундан:</i>		
1	Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	57 667,0	77 050,1
2	Иш ҳақиға қўшимчалар	11 630,6	14 380,5
3	Капитал қўйилмалар	17 455,4	13 986,8
4	Бошқа харажатлар	101 504,2	131 274,6
	<i>шу жумладан:</i>		
4.1	Товар ва хизматларга харажатлар	19 650,7	21 265,3
	<i>шундан:</i>		
	Хизмат сафарлари харажатлари	102,7	151,1
	Коммунал хизматлари	4 335,1	6 269,0
	Сақлаб туриш ва жорий таъмирлаш	3 955,9	2 667,5
	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар	5 775,2	7 095,3
	<i>шундан:</i>		
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	1 863,4	2 475,8
	Дори-дармонлар, тиббиётда фойдаланиладиган воситалар, вакциналар ва бактериологик препаратлар	2 364,6	2 548,5
4.2	Ёнилғи ва ЁММ	388,9	630,5
4.3	Товар ва хизматларни сотиб олиш бўйича бошқа харажатлар	5 458,8	5 047,2
4.4	Асосий воситалар бўйича харажатлар	5 949,4	5 235,2
4.5	Фоизлар	2 454,4	4 148,5
4.6	Субсидиялар	5 629,8	12 260,9
4.7	Молиявий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши билан боғлиқ ўтказмалар	1 477,9	63,7
	Бошқа харажатлар	60 883,2	83 253,8

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш

Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига таъсирчанлиги юқори бўлган давлатлар сирасига киради, бу ўз навбатида иқлим сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш зарурати билдиради. Иқлим ўзгариши муҳимлигини инобатга олиб, Ўзбекистон 1993 йилда БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенциясига (БМТ ИЎК) қўшилган ҳамда 2017 йилда Париж битимини имзолаган.

Париж битими — 2020 йилдан бошлаб атмосферадаги карбонат ангидридни камайтириш бўйича чора-тадбирларини тартибга солишчи БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси доирасида қабул қилинган ҳужжат ҳисобланади. Ушбу битим 2015 йил 12 декабрда Парижда ўтказилган иқлим бўйича Конференция давомида Киото баённомасини такомиллаштириш йўлида қабул қилинган. Битимнинг мақсади — БМТ ИЎК амалга оширилишини жадаллаштириш, хусусан, глобал иссиқхона газларининг атроф-муҳитга чиқарилишини 2050 йилга келиб 40-70 фоизга қисқартириш ва 2100 йилга келиб иссиқхона газларининг атроф-муҳитга чиқарилишининг ноль ёки манфий қийматига эришишни талаб этадиган глобал ўртача ҳаво ҳарорати ўсишини 2 градус Цельсийдан «жуда паст» даражада сақлаш ҳамда ҳарорат ошишини 1,5 градус даражада чегаралашга алоҳида эътибор қаратиш.

Ўзбекистонда, 2021 йилда қабул қилинган мажбуриятларга мувофиқ, иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш, кейинги 5 йилда иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш, шунингдек қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизгача ошириш, ва бу орқали 2030 йилга қадар ҳавога чиқариладиган иссиқхона газлари ҳажмини 2010 йил даражасидан 35 фоизга камайтириш режалаштирилган.*

Бюджетни шакллантиришда ушбу устувор мақсадлар қандай ўз аксини топмоқда ва қайси маблағлар иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун йўналтирилмоқда?

Бюджет жараёнида ва уни режалаштиришда иқлим билан боғлиқ муносабатларни инобатга олиш имкониятини яратувчи воситалардан бири иқлим ўзгариши билан боғлиқ харажатларни белгилаш ҳисобланади.

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАРАЖАТЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

иқлим харажатларни баҳолаш ав мониторинг қилиш имконини берадиган иқлимга боғлиқ (иқлим ўзгаришига мослашиш ва оқибатларини юмшатиш) бюджет харажатларини аниқлаш ва ўлчаш жараёнини ўз ичига олади

ҚУЙИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ЯРАТАДИ:




